

**O'ZBEKISTON RESPUBLIRASI
OLIIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
NIZOMIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI**



РЕФЕРАТ

**Марказий Осиё жаҳон
цивилизациясининг ажралмас қисми**

Тарих факультети 3-босқич талабаси
Жўраев Ш.

Марказий Осиё жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми

Режа:

1. Ўзбекистон қадимги цивилизация ва маданият бешиги
2. Инсоннинг пайдо бўлиши хусусидаги қарашлар ва назариялар
3. Энг қадимги давр ва унинг босқичлари
4. Энеолит ва бронза давридаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар

Ўзбекистон қадимий цивилизация ўчоқларидан бири саналанади ва жаҳон цивилизациясининг шаклланиш жараёнида алоҳида ўринни эгаллайди.

Ўзбекистоннинг қадимий тарихи “Авесто”, эрон, юнон, рим, хитой ёзма манбаларида ва Марказий Осиёлик буюк мутафаккирларнинг асарларида ёзиб қолдирилган. XX аср бошидан Ўзбекистонда олиб борилган археологик, антропологик, геологик, этнографик, лингвистик тадқиқотлар натижасида ёзма манбалардаги маълумотлар янада тўлдирилиб, ўтмиш тарих ҳақида кенг маълумотлар тўпланди. Уларни В.Бартольд, С.Толстов, В.Массон, Я.Фулломов каби кўпгина олимлар томонидан ўрганилиб, тадқиқ қилинган. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, ўтмиш тарихни объектив ва ҳар томонлама кенг ва чуқур илмий асосда ёритиш масаласи ўртага қўйилди. “Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарихимиз билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур” — деб таъкидлаган эди президентимиз И.А.Каримов.

Бугунги кунда Ўзбекистон тарихининг кўпгина янги зарварақлари очилди. Бунда Ў.Исломов, Р.Сулаймонов, А.Асқаров, А.Сагдуллаев, Р.Муртозаева, В.Ягодин, М.Мамбетуллаев, Ғ.Хўжаниёзовларнинг ўрнини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон энг қадимги даврдан ўзига хос цивилизация жараёни бошдан кечирган. **Цивилизация** сўзи латинча “*civilis*” сўзидан олинган бўлиб, у давлатчилик, фуқаролик деган маънони англатади. Ўзбек тилида бу сўз “тамаддун” атамаси билан аталади. **Цивилизация** бу инсоният тарихий

тараққиегининг умумий бирлигини, яъни моддий, маданий, маънавий ривожланишдаги ўзига хосликни ифодалайди.

Тарих инсоннинг пайдо бўлиш жараёни билан боғлиқ. Одамларнинг пайдо бўлиши масаласи билан олимлар узоқ йиллардан бери шуғулланиб келишаётган бўлсаларда, ҳали у ўз ечимини топган эмас. Одамнинг келиб чиқиш ва ривожланиш жараёни тарих фанида **антропогенез** жараёни деб аталади. У юнон тилидан олинган бўлиб, “антропос”-одам, “генезис”-ривожланиш деган маънони билдиради.

Инсоннинг пайдо бўлиши ҳақида икки хил назария бор:

I - диний назария бўлиб, унга кўра инсон худо томонидан яратилган;

II - илмий назария бўлиб, унинг асосида Ч.Дарвиннинг эволюцион таълимоти ётади.

Ислом динида одам Оллоҳ томонидан тупроқдан яратилиб, жон киритилгани ва улар Одам Ато ва Момо Ҳаво бўлган деб кўрсатилади. Христиан динида одамзод худо томонидан бундан 7 минг йил бурун қизил лойдан яратилди, дастлабки одамлар Адам ва Ева деб таърифланади.

Инглиз олими Ч.Дарвин европалик археологларнинг Германия ва Австриядаги тадқиқотларининг натижаларини таҳлил қилиб, одамларнинг аجدодлари дарахтда юривчи энг олий турдаги маймунсимон одамлар (дриопитеклар) бўлганлиги ҳақидаги эволюцион назарияни ишлаб чиққан.

Антропогенез жараёни тўрт босқичга бўлинади:

- 1- **одамнинг илк аجدодлари,**
- 2- **энг қадимги одамлар,**
- 3- **қадимги одамлар,**
- 4- **ҳозирги қиёфадаги одамлар**

Одамларнинг илк аجدодларига дриопитек, рамапитеклар киради.

Бундан тахминан 25 млн йил олдин **дриопитекларнинг** яшаш учун кураши, табиий танланиш туфайли икки тармоққа: ҳозирги одамсимон маймунларга ва одамларнинг дастлабки аجدодларига ажралганлар. Бир тармоқдан горилла, шимпанзе, орангутанлар келиб чиққан. Иккинчи тармоқдан **рамапитеклар**

пайдо бўлиб, улар 15—7 млн йил илгари яшаган. Рамапитекларнинг ташқи қиёфаси одамга яқин бўлган.

Энг қадимги одамлар - австролопитек, зинжантроп, питекантроп ва синантроплар ҳисобланади. Уларни фанда **Homo habilis**- ишбилармон одам турига киритадилар. Шунингдек, илк ва ўрта палеолит даврида яшаган одам турларини умумий қилиб, **архантроплар** деб аталади. Архантроплар — қадимги одамсимон маймунларнинг одамга айланиши жараёнидаги оралиқ мавжудотлар бўлиб, улар маймун ва одамнинг белгиларини ўзида мужассамлаштирганлар.

Шароитнинг кескин ўзгариши туфайли дриопитекларнинг баъзи хиллари икки оёқлаб юришга ўтганлар. Оқибатда жанубий «маймунлар» **австралопитеклар** пайдо бўлган (лотинча “аустралис” — *жанубий*, “питиекос” — *маймун*). Австралопитекларнинг шаклланиши 6—5 миллион йил илгари рўй берган. Улар икки оёқлаб юришган, тайёр таёқлар, тошлар, йирик хайвон суякларидан қурол сифатида фойдалана олганлар.

Зинжантроп одами Танзаниянинг Зинж номли қишлоғидан топилган. У 1,5 – 2 миллион йиллар илгари яшаган.


Питекантроп, синантроп одам турлари **хомо эректус** (*Homo erectus*) , яъни тик юрувчи одам турига киради. Питекантроп (маймун одам) Индонезиядаги Ява оролида 1890 йилда топилган. У бундан 1 млн. 500 миллион йиллар илгари яшаган.

Синантроп (хитой одами) Пекин яқинидан топилган. У бундан 700-600 минг йил илгари яшаган. Унинг маконидан гулхан қолдиқлари топилган. Бу эса, унинг оловдан фойдаланганлигини кўрсатади.

Ўрта палеолит даврида яшаган одам турларини **палеонтроплар** дейилади. Бунга асосан неандертал одам тури мансубдир. У дастлаб 1856 йил эса Германиянинг Неандерталь водийсидан топилди. Неандерталлар Европа, Осиё, Африкада кенг тарқалиб, улар хилма-хил жисмоний типни ташкил қилганлар.

Сўнгги палеолит ҳозирги замон қиёфасидаги одамлар вужудга келади. Олимлар уларни “**ақл-идрокли одам**” (*homo sapiens*) деб атаганлар ва **неонтроп** турига мансуб деб кўрсатганлар. Улар бундан 40-35 минг йил муқаддам

яшаганлар. Бу одам тури дастлаб Франциянинг жанубидаги Кроманьон деган жойдан, кейинчалик унинг қолдиқлари Европа, Осиё, Африка, Австралиядан ҳам топилган.




Антропогенез жараёни.

1 - пезиадасис, 2 – дриопитек, 3 - рамапитек, 4-5- австролопитек, 6-7 – Homo erectus, 8 - неандерталь, 9 - Homo sapiens, 10 – замонавий одам.

Даврлаштириш тарих фанини чуқур ўрганишнинг асоси ҳисобланади. **Энг қадимги давр** (ибтидоий жамоа тузуми) **тарихий ва археологик** жиҳатдан даврларга бўлинади. **Тарихий даврлаштиришнинг ўзига хос хусусияти**, унинг тадқиқот манбаидан келиб чиқади. Унда маълум бир даврга хос бўлган умумий ривожланиш хусусиятлари асос қилиб олинади.

Энг қадимги давр тарихий жиҳатдан иккита йирик давр: “ибтидоий тўда” ва “уруғчилик жамоаси даври”га бўлинади. Ўз навбатида уруғчилик жамоаси 2 босқичга: матриархат (она уруғи) ва патриархат (ота уруғи) га бўлинади.

Энг қадимги давр археологик жиҳатдан, меҳнат қуроллари нимадан ясалганлигига қараб, қуйидаги босқичларга бўлинади: палеолит, мезолит, неолит, энеолит, бронза ва илк темир даври.



Палеолит даври инсоният тарихида энг узоқ давом этган давр ҳисобланади. У 3 млн йилликдан 12 минг йилликгача давом этган ва уч босқичда ривожланган. **Илк палеолит даври** (3 млн йиллик-100 минг йиллик) инсоннинг табиатда яшаши учун қулай давр бўлган. Ҳаво иссиқ бўлиб, табиатдаги тайёр маҳсулотларни еб ҳаёт кечирган. Илк меҳнат қуроли-қўл чўқморини ишлатган. Синантроп одами оловдан фойдаланишни ўрганган. Ўзбекистон худудидан синантрон турига мансуб, ферганатроп одам суяги Фарғонанинг **Селунгур** маконидан топилган. Макон дастлаб 1958 йилда А.П.Окладников томонидан ўрганилган. 1980 – 1988 йилларда археолог Ў.Исломов тадқиқот ишларини олиб борган. Маконда 5 та маданий қатлам аниқланган, у ердан тошдан ясалган меҳнат қуроллари: қўл

чўқмори, тўмтоқ болталар, пичоқсимон қуроллар топилган. Одам суяклари 3- ва 2-қатламлардан топилган. Селунгур одами ўзига хос тузилишга эга бўлганлиги учун унга **ферганатроп** деб ном беришган.

Ҳавонинг совий бошлаши, яъни музлик даврининг бошланиши инсоннинг яшаб қолиши учун кўплаб изланишни тақозо этган. Бу даврда, яъни **ўрта палеолит** даврида (100 – 40 минг йилликларда) яшаган неандертал одами ғорларни ўзлаштирган. Сунъий олов чиқариш йўлларини ихтиро қилган. Шунингдек, ҳайвонларни овлаш учун найза ихтиро қилган. Совуқдан ҳимояниш учун ҳайвон терисидан кийим қилиб кийган. Ўзаро мулоқат учун баъзи бир товушларни чиқарган. Одамлар ҳайвонлардан ҳимояланиш ва уларни овлаш учун тўда-тўда бўлиб юришган.

Ўрта палеолит даври ёдгорлиги Ўзбекистонда дастлаб 1938 йилда Тешиктошда топилган. Ҳозирги кунда эса Ўрта Осиё ҳудуди бўйича уларнинг сони 300 дан ортган. Лекин ҳозиргача Тешиктош макони ўзининг қадимийлиги ва археологик материалларга бойлиги билан ажралиб туради.

Тешиктош ғор–макони Сурхондарё вилоятида Бойсун тоғи ҳудудидан топилган. Уни 1938–1939 йилларда А.П.Окладников ўрганган. У ердан тошдан ясалган меҳнат қуроллари, ўткир учли тош найзалар, тош пичоқлар, парақалар, сихча, қирғич, куракчалар ва одам суяги қолдиқлари топилган. Ибтидоий одам чалқанчасига ётқизилиб, устига қизил охра сепилган ва унинг атрофида архар шоҳлари терилган. Уни антрополог Г.Герасимов, уни ўрганиб, 9 ёшли неандерталь бола деб хулоса берган. Тешиктошликлар овчилик, термачилик билан шуғулланишган.

Обираҳмат ғор макони Тошкент шаҳридан 100 км шимоли—шарқда жойлашган. Ғор–маконда 21 та маданий қатлам аниқланган. Улардан 30 мингдан ортиқ тошдан ясалган турли меҳнат қуроллари топилган. 16-қатламдан 70 минг йил олдин яшаган одам суяклари топилган. Обираҳмат одамида неандерталь ва хомо сапинес (замонавий одам) одамидаги хусусиятлар омухталашган.

Ўзбекистонда кейинги даврларда ўрта палеолит даврига оид кўплаб маконлар топиб тадқиқ қилинган. Бойсун тоғи минтақасидан Тешиктош ғор–макони, Амир Темур ғори, Тошкент воҳасидан Обирахмат, Хўжакент, Бўзсув, Кўлбулоқ маконлари, Фарғона водийсидан Жарқўтон, Бўрибулоқ, Томчисув манзилгоҳлари, Зарафшон воҳасидан Омонқўтон, Гўрдара, Кўтирбулоқ, Зирабулоқ маконларидир.

Илк ва ўрта палеолит даври инсониятнинг ибтидоий тўда даври бўлиб, *сўнги палеолит* давридан (40-12 минг йиллик) уруғчилик жамоаси даври бошланган. Уруғчилик жамоасини аёллар бошқарганлиги сабабли, бу даврдан **матриархат** (она уруғи) даври бошланади. Сўнги палеолит даврида ҳозирги замон туридаги одам шаклланган. Илк диний тасаввурлар- анимизм, фетишизм, тотемизм вужудга келган. Бу эса санъатнинг пайдо бўлишига асос бўлган. Ибтидоий одамлар ўз эътиқод анжомлар – хайкалчаларни ясаганлар. Қоя тошларга турли суратлар солиб, уни ҳаёт тарзи билан боғлаганлар. Ўзбекистоннинг 100 ортиқ жойидан шундай қоятош суратлари топилган. Зараутсой, Сармишсой, Биронсой, Қорачорвоқсой, Хўжакент ва бошқалар. Улар мезолит неолит, бронза даврларига оиддир.

Сўнги палеолит даврида европоид, негроид, монголоид – ирқлари шаклланган. Пичоқлар пайдо бўлган. Суякдан гарпун, игна, бигиз ишлаганлар. Ибтидоий одамлар ўзлари учун чайла, ярим ертўла ва ертўлаларни қуриб яшай бошлаганлар.

Ҳозирги кунда сўнги палеолит даврига оид Ўрта Осиёдан 30 ортиқ ёдгорлик топиб ўрганилган бўлса, шулардан 10 таси Ўзбекистондан топилган. Улардан Зарафшон воҳасида топилган Самарқанд, Сиёбча, Хўжамазгил маконлари яхши ўрганилган.

Самарқанд макони — Самарқанд шаҳридаги қадимги Сиёбча сойи ёқасидан 1939 йилда геолог Н.Г.Ҳарламов томонидан топилди. Макондан хилма хил қуроллар, хайвон суяклари, чайла устунлари, кроманьон одамларнинг суяк қолдиқлари топилган. Чайла сой бўйида бўлиб, майдони 100 кв м, тўғри тўртбурчак шаклида қурилган.

Кўлбулоқ макони –Тошкент вилоятидаги Ангрен шахридан 10-12 км ғарбда жойлашган. Бу макон 1963 йилда топилган. Кўлбулоқ очик тарздаги кўп қатламли макон бўлиб, илк, ўрта ва сўнгги палеолит даврига оид 49 та маданий қатлам аниқланган. Мадааний қатламлардан 8300 дан ортик тош қуроллари топилган. Тоғ эчкиси, айиқ, арҳар ва бошқа хайвонларнинг суяк парчалари, кул ва гулхан қолдиқлари топилган.

Ер юзида музликларнинг чекиниши натижасида иқлим ўзгаради. Бу эса, ўз навбатида ибтидоий одамларнинг турмуш тарзида ўзгаришларга олиб келади. Бу давр инсоният тараққиётида *мезолит- ўрта тош даври* деб белгиланган. (мил.авв. 12-7 минг йилликлар). Палеолит давридаги йирик хайвонлар йўқолиб, улар ўрнига тез чопар ва майда хайвонлар пайдо бўлди. Уларни илгаридадек овлаш ибтидоий одам учун мураккаблик туғдирди. Натижада **ўқ-ёй** ихтиро қилинди. Бу мезолит даврининг энг катта ютуғи эди. Ўқ ёйнинг кашф этилиши хўжаликда овнинг аҳамиятини оширди. Бу даврда ибтидоий одам балиқчиликни кашф этган. Тош бигиз ва микролит қуролларини ихтиро қилган. Бу дарга оид Ўзбекистон худудидан Қўшилиш, Обишир, Мачай маконлари ўрганилган.

Қўшилиш макони Тошкентнинг ғарбида қадимги Бўзсув анҳорининг чап соҳилидан топилган. У ердан нуклеуслар, майда парақачалар, қирғичлар ва ҳеч бир маконда учрамайдиган учбурчак шаклидаги қуроллар топилган.

Обишир макони Фарғона водийсининг жанубидаги Қатрон тоғидан топилган. У милоддан аввалги IX–VIII минг йилликларга оиддир. У ернинг маданий қатламларидан микролитлар, бигизлар, қирғичлар, пичоқ қадамалари топилган.

Мачай ғор макони мезолитнинг сўнгги босқичига оид ёдгорлик бўлиб, у Ҳисор тоғ тизмасининг Мачай дарёсининг ўнг соҳилидан топилган. Ғор–макон кўп қатламли бўлиб, у ердан тош ва суякдан ясалган меҳнат қуроллари, қабрлар топилган. Қабрларни ўрганиш Ўзбекистоннинг энг қадимги аҳолисини, унинг ташқи қиёфаларини аниқлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

Неолит даврида (6-4 минг йилликлар) ибтидоий қабилалар ўтроқ турмуш тарзига ўтганлар. Доимий ертўла, лой, гуваладан қурилган кулбаларда

яшаганлар. Ўтроқ турмуш тарзи жанубий ҳудудларда деҳқончиликнинг келиб чиқишига, чўл минтақаларда эса, ўтроқ овчилик хўжалигининг қарор топишига олиб келган. Кейинчалик овчилик хўжалиги замирида чорвачилик пайдо бўлади.

Неолит даврининг энг катта ютуғи **деҳқончилик ва чорвачиликнинг вужудга келиши** эди. Кўпчилик олимлар бу кашфиётнинг инсонлар ҳаётидаги аҳамиятини инобатга олиб, неолит даври инқилоби деб баҳо берадилар.

Неолит даврида тошни ишлаш техникасида янги усуллар—**силлиқлаш, пардозлаш, арралаш ва пармалаш** усуллари ихтиро этилади. Бу эса ибтидоий ишлаб чиқарувчи кучларни янада тезроқ ривожланишига олиб келди. Неолит даври жамоаларида меҳнат қуролларини такомиллаштириш билан бир қаторда ҳунармандчиликнинг бир қатор тармоқлари—**кулолчилик, тўқувчилик, заргарлик** каби соҳалари ихтиро қилинди.

Марказий Осиёда неолит даври жамоаси ривожланишининг 2 хил кўриниши мавжуд бўлган:

1. Жанубий—ғарбий ҳудудларида, ҳозирги Туркменистон ҳудудларида илк деҳқончилик маданияти шаклланган.

2. Марказий ва шимолий ҳудудларида эса, овчилик ва балиқчилик хўжалиги билан шаклланган.

Минтақалараро ривожланишнинг ўзига хос жиҳатлари табиий—иқлим шароитидан келиб чиққан. Марказий Осиё ҳудудидан неолит даврига оид Жойтун, Калтаминор, Хисор ва Сазағон маданиятлари кенг ўрганилган.

Жойтун маданияти илк деҳқончилик билан шуғулланган қабилалар ёдгорлиги бўлиб, у Туркменистондан топилган. Бу маданият мил. авв. VI минг йилликлар охири V минг йилликлар бошларига оид бўлиб, унга Бами, Тўғолоқтепа, Мунчоклитепа, Чўпонттепа, Жойтун, Найзаттепа каби бир қатор ибтидоий деҳқонларнинг манзилгоҳлари киради. Манзилгоҳлардан гуваладан қурилган уйлар, ҳайвон ва одам ҳайкалчалари, мунчок, шахмат доналари топилган. Чўпонттепа қишлоғидан бир неча қабрлар топиб ўрганилган. Қабрлардан ғужанак

ҳолда ён томонига ётқизилган ва устига қизил охра сепилган одамларнинг суяклари топилган. Бу қабрлар неолитнинг энг сўнгги босқичига тегишлидир.

Ҳисор маданияти тоғли минтақаларда яшаб, асосан ҳайвон овчилиги билан шуғуллаган қабилалар маданиятидир. У Тожикистоннинг тоғли минтақаларида кенг тарқалган. Уларнинг излари 300 дан ортиқ жойдан топилган.

Калтаминор маданияти Қорақалпоғистон худудидан топилган. Калтаминор маданияти уч босқичда ривожланган: – Дарёлисой (мил.авв. VI–IV минг йилликларга оид), Жонбос (мил.авв. IV–III минг йилликларга оид) ва Саксовул (мил.авв. III минг йиллик охири –II минг йиллик бошларига оид). Калтаминор маданиятини яратган қабилалар, асосан овчилик, балиқчилик билан шуғулланиб, кейинги босқичларида чорвачилик хўжалигини ривожлантирганлар. Чайла, ертўла, ярим ертўлаларда яшаганлар.

Сазағон маданияти Самарқанддан 30 км жануби–ғарбдан топилган. Сазағон маконлари кўплаб тош қуроллари ва ҳайвон суяклари топилган. Сазағон маданияти аҳолиси тоғли худудларда яшаб, асосан овчилик билан шуғулланганлар.

Неолитдан кейинги давр **энеолит** деб аталади. У лотинча “acneus”-мис ва юнонча “литос”-тош сўзларидан олинган бўлиб, мис—тош даври деган маънони англатади. Энеолит мил. авв. IV—III минг йилликларни ўз ичига олади. Бу даврда Марказий Осиёнинг шимолий, марказий худудларида неолит даври жамоалари яшаган.

Одамлар дастлаб мисни тошнинг бир тури деб, совуқ ҳолда ишлов берганлар. Мил. авв. IV минг йилликлардагина унинг оловда эриш хусусияти кашф этилган. Мис қуроллари меҳнат унумдорлигини оширган, лекин мис табиатда кам учраганлиги, таннархи қиммат бўлганлиги сабабли, у тош қуролларни сиқиб чиқара олмаган. Шунингдек, унинг бошқа металлларга нисбатан юмшоқлиги ва эгилувчанлик хусусияти, улардан ҳамма худудларда бир хил фойдаланишга имкон бермаган.

Энеолитнинг илк босқичларида аҳоли бир хонали уйлардан иборат қишлоқларда истиқомат қилганлар. Ўрта босқичда эса қишлоқларнинг марказий қисми мудофаа девори билан ўралиб, кўп хонали уйлар қурилган.

Уларнинг орасида доира шаклидаги уйлар- ибодатхоналар бўлиб, улар бу ерда оловга сиғинишган. Энеолитнинг сўнгги босқичида қишлоқлар худуди кенгаяди ва кўп хонали уйларнинг сони ошади. Тор кўчалар шаклланиб, улар қишлоқнинг марказидаги майдон билан боғланган.

Саразм маданияти энеолит даврининг ноёб ёдгорлиги ҳисобланади. Ҳозирги Саразм қишлоғи Зарафшон воҳасининг юқори қисмида Ўзбекистон билан Тожикистоннинг чегара худудида жойлашган. Саразм қишлоғи 90 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, 10 тепаликдан иборат. Бу ерда аҳоли энеолит давридан илк бронза давригача яшаган. Бу ерлардан сиртига қора ва қизил бўёқлар турли геометрик нақшлар солинган сопол парчалари, мис қуроқлар, мис ойна, олтин ва қумушдан ясалган тақинчоқлар, қимматбаҳо тошлар ясалган мунчоқлар топилган.

Энеолит маконлари Бухоро вилоятининг Лавлакон, Бешбулоқ ва Замонбобо I маконларидан ҳам топилган.

Замонбобо маданияти Бухоро вилояти Қорақўл туманининг чўл зонасидаги Замонбобо кўли бўйидан топилган. Замонбобо маданиятига оид қишлоқ ва қабристон ўрганилган бўлиб, улар бронза даврига оид. У ердан тош пайконлар, ости ясси ва тухумсимон бўлган сопол идишлар, бронзадан ишланган куракчалар, ҳалқасимон билакузуклар, қимматбаҳо тошлардан ясалган жуда кўп мунчоқлар, бронза ойна, игна, бигиз, терракота ҳайкалчалар топилган. Аҳолиси ертўла типидagi кулбада истиқомат қилган.

Инсоният тарихида энеолитдан кейин **бронза даври** бошланган. Мил.авв. III-II минг йилликларни ўз ичига олади. Бронзанинг кашф этилиши ибтидоий жамоа хўжалигида буюк ўзгаришларга олиб келди. Бу инсониятнинг иқтисодий ҳаётигагина эмас, балки сиёсий, маданий, маънавий ҳаётида ҳам туб ўзгаришлар ясади.

Бронзанинг таркиби мис ва қалай қоришмасидан иборат бўлиб, дастлаб милoddан аввалги III минг йиллик охирида Месопатамияда кашф этилган. Бронза қуроқлар қаттиқ ва уларга ишлов бериш осон бўлганлиги учун мис ва тош қуроқларни сиқиб чиқарди.

Бронза даврининг энг катта ютуғи деҳқончиликдан чорвачиликнинг ажралиб чиқишидир. Бу **биринчи ижтимоий меҳнат тақсимоги** бўлиб, милoddан аввалги II минг йилликнинг 2 чи ярмида содир бўлган. Марказий Осиёнинг жанубий ва жануби-ғарбий худудлари деҳқончиликка, чўл ва дашт зоналари чорвачиликка ихтисослашди.

Бронза даврида қишлоқлар сони кўпайди, хунармандчиликнинг янги соҳалари—металлургия, заргарлик ривожланди, кулолчиликда чархдан фойдаланишга ўтилди. Чорвадорлар от ва эшакдан транспорт сифатида фойдаланишга ўтдилар. Гупчакли ғилдиракли аравалар пайдо бўлди, жамият ҳаётида моногам оила таркиб топиб, ҳаётда оталар етакчи бўла бошладилар, **патриархат даври** бошланиб, уруғ жамоаси емирила бошлади ва илк давлатчилик элементлари шаклланди. Қўшни мамлакатлар, айниқса чорвадорлар билан деҳқонлар ўртасида товар айирбошлаш жонланади. Қабилалараро муносабатлар ривожланади, янги этнослар шаклланиб, янги маданиятлар вужудга келади. Масалан, ҳозирги Қирғизистон, Қозоқистон чўлларида яшаган Андрoнова маданияти чорвадорлари милoddан аввалги II минг йиллик ўрталарида Ўзбекистоннинг шимолий ва жанубий худудларига кириб бориб, маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетган ва Тозабoғёб, Қайроққум каби маданиятлар шаклланган.

Тозабoғёб маданияти қадимги Хоразм худудида милoddан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида шаклланган. Бу маданият аҳолиси асосан, ертўла ва чайлаларда яшаб, чорвачилик ва қисман, кўлтиқ деҳқончилиги билан шуғуланганлар.

Амиробод маданияти сўнгги бронза даври оид ёдгорлик бўлиб, у 1940 йилда Амударёнинг қуйи ҳавзасидаги Амиробод канали ҳавзасидан топилган. Амиробод маданиятига доир бир неча ёдгорликлар топилди. Уларнинг орасида энг яхши сақланган ва бой археологик материаллар берган ёдгорлик Якка –Парсон 2 макони ҳисобланади. Маконни қазिश вақтида 20 яқин ертўла типидagi кулбалар топилди. У ердан ғалла ўралари, омборлар, ўчоқ, сопол парчалари, тош ёрғучоқлар, бронза

пичоқлар, ўроқ, бигиз ва кўплаб ҳайвон суяклари топилди. Сопол идишлари чархсиз, кўлда ясалган.

Чуст маданияти қадимги Фарғонадаги илк деҳқончилик маданияти ёдгорлиги ҳисобланади. Бу маданиятни яратган аҳоли дастлаб чорвачилик, кейинчалик деҳқончилик билан шуғулланганлар. Уларнинг илк қишлоғи 1951 йилда топилган. Чуст маданияти мил.авв. II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг биринчи чорагида шаклланган. Бу маданиятга оид Фарғона водийсидан 80 дан ортиқ ёдгорлик топилган. Шунингдек, унинг излари Наманган, Андижон, Самарқанд ва Қашқадарё ҳудудларидан ҳам топилган.

Сўнгги бронза ва илк темир даврида Тошкент воҳаси Оҳангарон дарёсининг ўрта оқимидан Бурғулук маданияти топилган. **Бурғулук маданияти** икки босқичда ривожланган: 1 босқич мил. авв. IX–VIII асрларга оид бўлиб, бунда аҳоли ярим ертўла, чайлаларда яшаб деҳқончилик қилганлар. 2 босқич мил.авв. VI–IV асрларга тегишли бўлиб, бунда аҳоли гувала ва хом ғиштдан қурилган кулбаларда яшаганлар. Қишлоқларнинг атрофини мудофаа деворлари билан ўраб олганлар ва деҳқончиликда сунъий суғоришдан фойдаланганлар.

Сурхондарё ҳудудида илк бронза даврдан деҳқончилик маданияти шаклланган. Бу маданиятни **Сополли маданияти** номи остида фанга киритганлар ва ривожланишининг 5та босқичи аниқлаган. Унинг биринчи босқичи **Сополлитепа** манзилгоҳини ўрганиш орқали ёритилган. У Сурхондарё вилояти Шеробод чўли ҳудудидан топилган. Сополлитепа уч қатор мудофаа деворлари билан ўраб олинган йирик қишлоқ бўлган. Унинг умумий майдони 4 га яқин. Мудофаа деворлари тўлғама тузоқ усулида ишланган.

Сополлитепадаги уйлар 8та кварталга бўлинган. Ҳар бир кварталдан 2-3 ёки ундан ортиқ хумдонлар ва нон пишириладиган махсус тандирлар, уй-жой қолдиқлар ва 138 та қабр топилган. У ерда кулолчилик, тўқимачилик ривожланган. Пахта ва табиий ипакдан матолар тўқиганлар. Бу эса, Ўзбекистонда пахтачилик ва ипакчилик 3,5 минг йиллик тарихга эга эканлигини тасдиқлаган.

Сополлитепа аҳолисининг қабри уйининг поли остидан топилган. Уруғ оқсоқолининг қабри эса, уйига кўшиб қурилган алоҳида хонанинг қоқ ўртасида

бўлган. Сополлитепаликлар абадий ўлимга ишонмаганлар, ”нариги дунё” тушунчаси уларда кучли бўлган. Шунинг учун ўлган киши қабрига ўз шахсий мулки ва уруғдошлар келтирган идиш–товокларда овқатлар билан кўмганлар. Баъзи мозорларга бедарак йўқолган жамоа аъзосининг руҳи кўмилган. Бундай қабрларга одатда одам ҳайкалчаси ёки қўй ва эчки боласи кўмилган. Бундай қабрлар фанда ”кенатаф” деб аталади.

Сополлитепада ҳаёт тахминан 200-250 йиллар давом этган. Кейинчалик унинг аҳолиси янги ерларни ўзлаштириш мақсадида шарқ томон силжиб, ҳозирги Шеробод яқинидаги Оққўрғон қишлоғи ҳудудига кўчиб, Жарқўтонга асос солганлар.

Сўнги бронза ва илк темир даврига келиб, Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида ўтроқ деҳқончилик маданияти шаклланди. Зарафшон ва Қашқадарё ҳудудида Суғдиёна, Амударёнинг қуйи оқимида Хоразм, Сирдарёнинг юқори ҳавзасида қадимги Фарғона ва унинг ўрта оқимида Чоч деҳқончилик маданиятлари марказлари шаклланди.

Амударё ва Зарафшон дарёлари ҳавзаларида таркиб топган ҳар бир деҳқончилик воҳаларининг ўтроқ аҳолиси Авестода Баҳди, Гава Сўғуда, Хваризам, Сирдарё ҳавзаларида шакланган деҳқончилик ўлкаларини эса Чоч ва Фраганик номлари билан эслатиб ўтилади.

Темирдан фойдаланиш жамиятнинг социал-иқтисодий ҳаётида катта ўзгаришларга олиб келди. Иккинчи йирик меҳнат тақсимоти содир бўлди. **Деҳқончиликдан хунармандчилик ажралиб чиқди.** Бу ўз навбатида меҳнат унумдорлигининг ошишига, товар айирбошлашнинг жонланишига, хусусий мулкнинг ривожланишига, давлатнинг мустақамланишига сабаб бўлди.

Жамият ҳаётида содир бўлган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар илк шаҳарларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Шаҳар маданиятининг шаклланиши узоқ, босқичма-босқич ривожланиш даврларни босиб ўтган. Бу даврда Жарқўтон, Дашли, Гонур, Намозгоҳ, Олтинтепа, Улуғтепа каби илк шаҳарлар таркиб топди.

Жарқўтон ёдгорлиги сополлитепаликлар асос солган илк шаҳар ҳисобланади. У Бўстонсойнинг чап соҳилида жойлашган бўлиб, 100 га майдонни эгаллаган. Бу ернинг аҳолиси деҳқончилик билан шуғулланиб, камида 500 йил шу ерда яшаганлар.

Жарқўтондан арк, ибодатхона, шаҳристон ва қабристон топиб ўрганилган. Ҳозирги кунда Жанубий Ўзбекистон территориясида 20 дан ортиқ бронза даври ёдгорликлари топилган. Бу ёдгорликларни ўрганиш Сополлитепа маданияти қадимги Шарқ цивилизациясининг ажралмас бир қисми эканлигини кўрсатди.

Олтинтепа- Туркменистоннинг жануби-ғарбидан топилган илк шаҳар харобасидир. У мил.авв. 2300-1900 йилларга оид бўлиб, 30 га ҳудудни эгаллаган. Унинг аҳолиси суғорма деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик билан шуғулланган. Шаҳар марказида зиккурат-ибодатхона топилган. У ердан муҳр, тақинчоқлар, фил суягидан ишланган буюмлар, арава ва бошқа буюмлар топилган. Пиктографик белги-ёзувларнинг намунаси ҳам топилган.

Ёзувлар кишилиқ жамияти тарихида катта ўринга эга. Инсоният ёзувлар орқали ўзаро алоқа қилган. Ўз тарихи ҳақида келажак авлодга ёзиб қолдирган.

Инсоният тарихида ёзувларнинг ривожланиш жараёнини 3 босқичга бўлиш мумкин.

- 1- Идеографик ёзув
- 2- Бўғинли ёзув
- 3- Алфавитли ёзув

1 босқич идеографик ёзувларнинг шаклланиш жараёни саналади. **Идеография** - грекча сўз бўлиб, “идея” -ғоя, “графо” - ёзаман деган маънони англатади. Бу ёзув турига пиктографик ва иероглиф ёзувлар киради.

Инсоният тарихида вужудга келган илк ёзув - бу **пиктографик** ёзув ҳисобланади. У лотинча “пикче”- тасвирий, “графо”- ёзаман деган сўзлардан иборат. Пиктографик белгилар орқали умумий маълумотлар берилган. Уларни тушуниш осон ва ёзиш қулай бўлган. Бу ёзув тури барча халқларда мавжуд бўлиб, улар деярли бир вақтда пайдо бўлган. Илк пиктографик белгилар

мил.авв. III минг йилликда Миср ва шумерликлар томонидан яратилган. Пиктографик белгилар Жарқўтон ёдгорлигидан ҳам топилган.

Иероглиф грекча сўз бўлиб, “муқаддас кесма хат” деган маънони англатади. Бу ёзувдаги белгилар айрим товушларни, бўғинларни, сўзларни ва тушунчаларни ифодалаган. Иероглифлар турли тилларда гаплашувчи халқлар ҳам ундан бемалол фойдалана олган.

Бугунги кунгача Хитой, Япония, Кореяда иероглиф ёзуви қўлланилади.

2-босқич бўғинли ёзув ҳисобланади. Унга **миххат** ёзувлар киради. Шумерликлар ёзувни лой тахталарга ёзганлар. Шу сабаб улар ёзган таёқчалар учи михга ўхшаб қолган, ёзувнинг номи ҳам шундан келиб чиққан.

Миххат ёзуви расмларнинг соддалашиб бориши билан ифодаланади. Кейинчалик уларнинг умумий хусусиятигина сақланиб рамзий белгиларга айланади. Бу ёзув Шумер, Оссурия, Бобил ҳудудларида тарқалган. У мил.авв. 3300 йилдан- милодий 75 йилларгача қўлланилган.

3-босқич алфавитли ёзув ҳисобланади. Илк алфавитли ёзув мил.авв. 1100 йилда Фалатинда ғарбий семит қабилаларида пайдо бўлган. Унинг турларидан бири финикия алфавити бўлган. У 22 та ундош ва ярим ундош белгилардан иборат бўлган. Финикия алфавити кирилл, лотин ва грек алфавитига асос солган. Финикия алфавитида миср иероглифларида бўлмаган товуш белгилари ҳам бўлган. Ҳар бир финикия харфининг номи бўлган: алеф, бет, гимел, далет, зайин ва бқ. Алфавитда ҳарфлар кетмалиги қатъий тартибда бўлган. Ҳозирги алфавитлар унга ниҳоятда кам ўзгартиришлар киритилган. Греклар бу алфавитга унли товушларни киритдилар ва уни янада такомиллаштирдилар. Ҳарфли алфавитни дастлаб греклар ихтиро қилган. Греклар алфавити осон ва аниқ бўлгани учун уни дарров бошқа халқлар: лидийликлар, фракийлар, этруслар қабул қилди. Лотин алфавити ҳам грек ёзуви асосида шаклланган.

Инсоният тарихида диний эътиқодлар муҳим ўринга эга. Дастлабки диний эътиқодлар сўнгги палеолит даврида вужудга келган. Булар **тотемизм**, **анимизм** ва **фетишизм** диний эътиқодларидир. Уларда ибтидоий одамнинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари акс этган.

Тотемизм – “тотем” сўзи – унинг қавми маъносини англатиб, одамнинг ҳайвонот ёки ўсимликнинг муайян турларига қариндошлик алоқаси бор деган ғояни илгари суради.

Анимизм “anima” – рух, жон маъноларини англатади. У руҳлар мавжудлигига ишонч, табиат кучларини илоҳийлаштириш, ҳайвонот, ўсимлик ва жонсиз жисмларда рух, онг ва табиий қудрат борлиги ҳақидаги таълимотни илгари суради.

Фетишизм – “фетиш” сўзи – бут, санам, тумор маъносини англатади. Унга кўра алоҳида буюмлар кишини ўз мақсадига эриштириш, маълум воқеа-ҳодисаларни ўзгартириш кучига эга. Бу бутларда ва туморларда ғайритабиий дунёдан келадиган илоҳий қудратнинг тимсолини кўрдилар.

Зардуштийлик энг қадимги динлардан бўлиб, бу дин мил.авв. VII-VI асрларда Марказий Осиё ҳудудида пайдо бўлган. Зардуштийликнинг асосий ғояси инсонларни яхшиликка етаклаш бўлиб, унда меҳнат қилиш, айниқса, деҳқончилик ва ҳунармандчилик касблари улуғланган. Оламнинг асосини яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш ташкил этилиши ва охир оқибатда яхшилик ғалаба қозониши лозимги илгари сурилиб, барчани яхшилик учун курашга чорлаган. Зардуштийлик динида барча эзгуликлар Ахурамазда, ёмонликлар Ахриман орқали ифодаланган.

Зардуштийликда тўрт унсур - сув, олов, тупроқ, ҳаво муқаддас деб ҳисобланган. Уларни ифлос қилиш, топташ, булғаш мумкин бўлмаган. Олов-зардуштийлик динининг эътиқод манбаи бўлиб, у зардуштийлар ибодатхонасининг марказида жойлаштирилган. Зардуштийликнинг ғоялари унинг муқаддас китоби “Авесто” да ифодаланган. Авестонинг матни тўлалигича сақланмаган. Унинг 21 китобидан диний маросимлар учун энг зарур деб ҳисобланган, одатда асосан диний жамоаларда ёд олинадиган қисмларигина сақланган. Авестода Зардушт орқали ваҳий қилинган Ахурамазда дини ҳақидаги хабарлар ва қадимги даврдан бошлаб то ўрта асрларгача бўлган кўплаб тарихий, илмий, адабий манбалар ёзиб қолдирилган.

Зардуштийлик динида иймон уч таянчга асосланади:

1) фикрлар софлиги, 2) сўзнинг собитлиги, 3) амалларнинг инсонийлиги.

«Авесто»да «Берган сўзнинг уддасидан чиқиш, унга содиқ қолиш, савдосотиқ ва шартномаларга қатъий амал қилиш, қарзни ўз вақтида тўлаш, алдамчилик ва хиёнатдан холи бўлиш иймонлик аломатидир», - дейилган.

Ахурамазда одамларга ўз мақсад, ўй-фикрларини яхши ният, эзгу ишларга қаратишни буюради. Бу йўлдаги одамнинг сўзи маъноли ва ниятга мувофиқ бўлмоғи, яхшилик йўлида айтилмоғи керак. Яхши ният қилган одамларнинг амалдаги фаолияти ҳам эзгуликка хизмат қилмоғи керак. Самимият, холислик, ўзаро иззат ҳурмат каби асослар одамлар ўртасида, устувор ахлоқий ўлчовларга айланиши керак. Ғаразгўйлик, ҳасад, манманлик, бадбўйлик, фитна-фасод Авестода қаттиқ қораланади. Сўз устидан чиқиш, ваъдага вафо, аҳдга садоқат улуғланади. Авесто бу борликни, дунёни одам учун синов майдони деб тушунтиради.

«Авесто» тарихий, фалсафий, адабий манба сифатида ҳам ғоят қимматли бўлиб, аждодларимизнинг узоқ ўтмиш тарихи ва тафаккур тараққиёти ҳақида кенг маълумотлар беради.

Ўзбек ҳалқи бой маданий, маънавий меросга эга. Уларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш ва келажак авлодга етказиш бугуннинг долзарб мавзуларидан биридир. Зеро, Президентимиз таъкидлагандек, -“Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ” .